



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " yanvar

Қ-19 -son

Termiz sh.

**Шеробод тумани Н.Муродов массиви
худудидан "Mardonbek" МЧЖга пахта
ва ғаллачилик маҳсулотларини
етиштириш мақсадида ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 5 октябрдаги 05-02/703-сон йиғилиш баёни ва Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 15 сентябрдаги 01-05/1190-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 5 октябрдаги 05-02/703-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани Н.Муродов массиви худудидан "Mardonbek" МЧЖга кишлоқ хўжалиги харитасининг 301, 302 ва 302а-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 45,0 балл бонитетли жами 53,07 гектар ер, шундан 51,30 гектар суғориладиган экин ер, 1,3 гектар ариқ-зовурлар, 0,18 гектар йўллар ва 0,06 гектар бошқа ер майдонлари пахта ва ғаллачилик маҳсулотларини етиштириш мақсадида доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ва Шеробод тумани ҳокимлиги ер ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов